Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ · 1997 йил 10 сентябр Чоршанба. № 70 (14462)

ЭЪТИРОФ

Юртингизда бўлиш менга хуш ёқади ва руҳлантиради. Чунки мен сизнинг мамлакатингизда ҳам Ғарб, ҳам Шарқ билан яқин ва самарали муносабатларни ривожлантиришга элтувчи тарихий муҳим воқеаларнинг гувоҳи бўлмоқдаман.

Айниқса, ҳозирги ўзбек жамиятининг астасекин ўз ўтмиши билан яқинлашиб бораётгани, бир вақтнинг ўзида келажакка — мустаҳкам ва сермазмун ривожланиш, сиёсий барқарорликни таъминлаган бирдамликнинг ягона услубига қараши менга мароқлидир.

Иоланда БРУНЕТТИ,
Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ

Президент Ислом Каримовнинг теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилаётган тўртинчи халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросимида сўзлаган н у т қ и

Хонимлар ва жаноблар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Азиз дўстлар!

Бугун бу ерда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилаётган мусобақанинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларини табриклаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун мусобақа ўтказила бошлангани, айтиш мумкинки, катта теннис тараққиётининг янгича ривож топа бошлаганидан бери атиги тўрт йил ўтди.

Мана шундай қисқа муддат ичида спортнинг бу жозибали ва гўзал тури Ўзбекистон аҳолиси, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида энг оммавий ва севимли машғулотлардан бирига айланиб қолди.

Тошкент эса, ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги теннис яхши ривожланган, спортчилар ва катта теннис мухлисларининг диққатини тортадиган нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилиб турилади-диган марказлардан бирига айланди.

Мазкур мусобақа бунинг яққол исботидир.

Менинг мазкур мусобақа ташкилотчилари - энг аввало, қадрдонимиз, синалган дўстимиз, мана шундай мусобақаларни уюштириш борасида ниҳоятда кўп хизмати синган жаноб Сассон Какшурига чуқур миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсизлар.

Мен, шунингдек, Президент Кубоги учун ўтказилаётган мусобақа директори жаноб Ян Форман ҳамда мусобақанинг бош ҳаками жаноб Дани Галини ҳам муборакбод этаман.

Мен турли мамлакат ва минтақалардан диёримизга ташриф буюрган барча мусобақа иштирокчиларига миннатдорлик изҳор этаман. Мусобақа иштирокчилари орасида ўзларининг ажойиб ғалабалари билан спортнинг бу гўзал тури - теннисда жаҳонга донғи кетган атоқли спортчиларни муборакбод этишдан мамнунман. Россиялик Евгений Кафелниковни, Буюк Британиялик Тим Хенменни, швейцариялик Марк Россени, испаниялик Хавьер Санчесни, марокашлик Хисом Оразийни, германиялик Николас Тиферни, АҚШлик Винсент Спадени муборакбод этаман. Шунингдек, ўзларининг чиройли ва мазмунли ўйинлари билан бизни, шубҳасиз, хурсанд этадиган барча номдор мусобақа иштирокчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон Президенти Кубоги мусобақасига бу даражада юқори мақом бериб, унга янада ўзгача жозиба ва нуфуз бахш этгани учун Профессионал теннисчилар уюшмасига /Ай-Ти-Пи/ самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Барча тошкентликлар ва Ўзбекистон аҳолиси номидан мана шундай ажойиб Теннис саройини бунёд этган меъморлар, қурувчилар ҳамда бундай гўзал иншоотни бунёд этишда фидокорона меҳнати сингган ҳар бир кишига миннатдорлик изҳор этаман. Бу сарой спортчилар ҳамда миллионлаб спорт мухлисларига жуда кўп хурсандлик ва мамнуният бахш этишига шубҳа йўқ.

Барчангизни мазкур ажойиб спорт байрами билан табриклайман.

Сизларни бугун чеҳрангизда балқ уриб турган мамнуният, хурсандлик туйғуси ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман, азиз дўстлар!

Энди эса, мана шу залда ҳозир бўлганлардан мусобақанинг барча иштирокчиларини тик туриб қутлаш ҳамда уларга сиҳат-саломатлик ва мусобақада муваффақият тилашни илтимос қилган бўлардим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун тўртинчи марта ўтказилаётган мусобақани очиқ деб эълон қиламан!



КАТТА ЙЎЛ БЎСАҒАСИДА

Зарбдор туманидаги 8-ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчилари Фаруҳ, Асадулло ва Махкамжонлар Президент совғаларини олган кунларини бир умр унутмайдилар.

ТОШКЕНТДА ПТА ТУР ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Кеча "Юнусобод" спорт соғломлаштириш мажмуасида теннис бўйича Президент Кубоги халқаро мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу йил Президент Кубоги мусобақалари Профессионал Теннисчилар Ассоциацияси тасурруфи остида ўтказиляпти. Бу турнир нуфузининг тобора ортиб бораётганини жаҳон теннисида яхши кўрсаткичларга эга бўлган спортчилар иштирок этаётганидан ҳам билса бўлади.

Сочилик Евгений Кафельников ҳам Президент Кубоги баҳсларида бор маҳоратини ишга солиб, мухлисларни хурсанд қилишига ишонамиз.

Испаниялик Алекс Коречани оёғи лат егани сабабли мусобақаларда иштирок эта олмайди. Швейцариялик Марк Россет 1992 йили Барселонада ўтказилган Олимпиядада эса ўзининг кутилмаган ғалабалари билан теннис ишқибозларини лол қолдирган эди. У бу йилги Франция очиқ чемпионатида ярим финалгача етиб борган. Россет Антверпендаги турнир ғолиби. У ҳам мусобақа ғолиблигига даъвогар спортчилардандир.

Испаниялик Хавиер Санчесни ҳам мусобақа иштирокчилари ўртасида юқори ўринга қўйиш мумкин. Чунки кейинги 9 йил ичида Санчес куррамизнинг 50 нафар энг кучли теннисчилари қаторидан жой олди. Россиядан яна икки теннисчи Александр Волков ва Андрей Черкасовлар ҳам 1990 йилларда "Катта дубулға" мусобақаларида муваффақиятли иштирок этганлар. Улар 90-йилларда энг кучли юзталикка кирган моҳир теннисчилардан. Ҳозирги ПТА таснифи бўйича 124-ўринда бораётган Волков ўз рейтинг кўрсаткичларини яхшилаб кучлилар сафига киришга интилмоқда. Андрей Черкасов эса ПТА таснифи бўйича 144-ўриндадир. Франциялик Тъери Шампион ҳам кучли теннисчилар сафида. Ажойиб спорт формасидаги француз теннисчиси ўз кучини кўрсатишда ҳам катта имкониятлар мавжуд. Ўзининг энг яхши натижасига 1991 йил Австралиянинг очиқ чемпионатида 1/4 финалга чиқиб эришган италиялик Кристиано Каратти бу мусобақаларда ҳам ўзининг бор имкониятини ишга солади.

Бу йил Ўзбекистон Президенти Кубоги мусобақаларида теннис юлдузлари ўзларининг ажойиб маҳоратларини кўрсатишларига ишончимиз комил.

Мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийлари теннисчилар ва теннис ишқибозлари учун жуда яхши шарт-шароитлар яратиб беришган. Бу эса халқимизда катта теннисга бўлган қизиқишнинг янада ортишига сабаб бўлади.

Маъсудхон ЗИЁХОН,
"Туркистон" мухбири

Маънавият қалбим қуёши

Маънавиятли халқни енгиб ҳам, маҳв қилиб ҳам бўлмайди. Чунки маънавият буюк бир қудратдир.

Ўзбекнинг маънавият боғига неча йиллаб тош отдилар. Нечанеча улкан дарахтларини қулатдилар. Аммо миллатнинг буюк қалбидан бу сўзни ўчира олмадилар. Зеро, у ўлмас куч эди.

Мустақиллигимизнинг илк онларидаёқ маънавият соҳасига катта эътибор берилди. Мамлакатимиз Президентининг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони ҳам шунинг бир кўринишидир. Куни-кеча мазкур Фармоннинг қабул қилинганлигига бир йил тўлди. Шу муносабат билан Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, "Тафаккур" журналининг бош муҳаррири Эркин Аъзам билан суҳбатлашдик.



МАЪНАВИЯТИ ЎЛМАС БУ ХАЛҚНИНГ...

-- Эркин ака, Фармон қабул қилинганига мана йил тўлди. Суҳбатимизни мазкур Фармонга бўлган эҳтиёж, унинг аҳамиятидан бошласак.

-- Халқнинг маънавий-ятини бирор бир фармон ёки қарор билангина юксалтириш қийин, албатта. Лекин мустақиллик йўлига чиқибоқ ҳукуматнинг кўпдан-кўп иқтисодий-ижтимоий муаммолар қатори жамият маънавияти ва маърифати ҳақида бу қадар қайғуриб, бир қанча тадбирларни амалга оширгани шоён катта гап.

Биз бугун бир йиллигини нишонлаётган Фармонни чинакамига тарихий дейиш мумкин. Ҳолбуки, бундан уч йил бурун, аниқроғи, 1994 йил апрель ойида чиққан Фармон ҳам аҳамият жиҳатидан жамият ҳаётида улкан воқеа бўлган эди. Ўтган йил 9 сентябрда эълон қилинган Фармонда эса "Маънавият ва маърифат" маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Фармоннинг илк бандидаёқ "Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин" дейилгани ва бу борадаги ишлар жамиятнинг барча бўғинидаги бош раҳбарлар зиммасига юклангани ҳазилакам гап эмас.

Нега нисбатан қисқа муддат ичида бу масалага давлат миқёсида бу қадар катта аҳамият берилди? Бу саволга Президентимиз лўнда қилиб: "Юксак маънавиятсиз келажак йўқ", дея жавоб берганлар.

Ўзингиз ўйланг, мақсадимиз озод ва обод Ватан қуриш, буюк келажак яратиш бўлса-ю, ўша келажак эгалари маънавиятдан йироқ кимсалар бўлса? Бу ҳол ўта мантиқсизлик эмасми?!

-- Сизнингча Фармондан кейинги ижро қандоқ бўлди?

-- Фармондан кейин бутун мамлакат миқёсида маънавий-маърифий жабҳада катта бир кўтарилиш, юксалиш бўлди дейиш мумкин. Маънавият масалаларига беписандроқ қараган баъзи раҳбарлар ҳам бир сесканиб, мазкур Фармоннинг мағзини чақишга, жамият тараққиётининг ўта муҳим бу соҳасига эътибор билан қарашга мажбур бўлдилар.

Фармонда "Тафаккур" журнали фаолиятига оид ўринлар ҳам борлиги ижодий жамоамиз учун қувончли бўлди.

Маълумки, бугунги кунда матбуот нашрларини тарқатиш, обуна масаласи катта муаммолардан бўлиб турибди. Шундай пайтда бизнинг журналга ўхшаш жиддий мавзуларда баҳс юритувчи нашрларнинг бозори унча чаққон эмаслиги тушунарли. Фармонда журнал обунаси билан шуғулланиш бевосита ҳокимликларга топширилгани бизга қўл келди. Муштарийлар сони 10 мингдан ошиб кетди.

Фармонда кўрсатилган тағин бир банд Марказ қошида "Маънавият" нашриётини ташкил этиш, ҳамда "Тафаккур" ва мазкур нашриёт муаллифларининг қалам ҳақини ошириш масаласи эди. Бугун қониқиш билан айта оламизки, бу ишларнинг бари амалга ошди. "Маънавият" нашриёти иш бошлаб, дастлабки китобларини мухлисларига тақдим этди.

Нега келиб-келиб "Маънавият" ва "Тафаккур" муаллифларигагина бу қадар ғамхўрлик дейиш мумкин? Фармон чиқиши олдидан бўлган учрашувда Президент шу тўғрида гапириб: "Маънавият ҳақидаги, маърифат борасидаги асарларнинг баҳоси йўқ. Бошқа соҳадаги ўсиш-ўзгаришларни ўлчаш, ҳисоблаш мумкиндир. Аммо маънавиятни на ўлчаб, на тарозига тортиб бўлади", деганлари ёдимда.

Мамлакат раҳбарининг қалам аҳлига, маънавият жабҳаси ходимларига бу қадар эътиборини ҳар қанча олқишласа бўлади.

-- Кейинги бир йил ёшлар ҳаётига қандай янгиликлар олиб кирди деб ўйлайсиз?

-- Баъзилар бу фармонларни фақат "Маънавият ва маърифат" маркази фаоллари, хизматчилари учун, деб ўйлаб хато қилади. Ҳолбуки, бу тарихий ҳужжатлар бевосита умумжамиятимиз келажаги бўлган ёшларимиз истиқболини ўйлаб чиқарилганини ҳеч ким инкор қилолмаслиги керак. Зеро, жамият миқёсида бирор бир тадбир амалга оширилар экан, у албатта келажакка хизмат этиши ниятқилинади. Келажак эса ёшларники эканлиги маълум.

Шу маънода бу Фармон ва умуман маънавият ва маърифатимиз йўлида қилинаётган барча тадбирлар, аслини олганда, келажак насллар истиқболига бағишланган.

Фармон қабул қилинганига атиги бир йил тўлди. Аммо, назаримда, кам иш қилинмади. Ўйлайманки, эртасини деб яшайдиган халқимиз бундан кейин ҳам маънавият, маърифат соҳасини жамиятнинг асосий юмуши деб билади.

Лайло КАРИМОВА,
«Туркистон» мухбири

Гунча

ЭРКИМ

Менга ҳадя этишди Эркни,
Ташвишлардан бўлолдим айро.
Чекказорда юрдим беркиниб,
Эълон қилдим ўзимни танҳо!
Эркни совға этишди, мен-чи,
Озорига етдим гулларнинг.
Муҳаббатнинг билмай қадрини.
Севиб қолдим ғайридилларни.
Кетар бўлдим мангу оромдан.
Дил кўзига қаролмайман тик.
Эҳ, билишмас содда дунёмга
Буюк савдо солди эркинлик!
Тушунсайди дардимни кошки,
Юрт тупроғи заррасигача.
Мен эркимни ҳадя этганман
"Ватан" отлиғ буюк назмга.

Аъзам ОБИД,
Наманган вилояти,
ўқувчи

МИЛЛАТ ҒУРУРИНИНГ ИФОДАСИ

Йўлбошчимиз ташаббуси билан ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида кўплаб етук санъаткор ва бадиий жамоаларимиз ўз маҳоратини намойиш этди. Анжуманнинг «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» халқаро танловида мамлакатимиз номидан Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева қатнашди. У Навоий ғазали билан айтилувчи машҳур «Ушшоқ»ни бошлаганида Регистон майдони узра сукунат чўкди. Хонанда қуйлар экан, хонишида миллий ғурур, миллат руҳи уфуриб турди. Унинг сеҳрли овози хорижий давлатлар вакиллари қалбини ром этди. Ашула тугаши билан майдон узра гулдурос қарсаклар янгради. Бу олқишлар нафақат иқтидорли хонанданинг маҳорати, айни пайтда асрлар оша ривожланиб келаётган ўзбек миллий мусиқа санъатига берилган юксак баҳо эди.

Танловда хушовоз хонандамиз биринчи ўринни эгаллаб, фестивалнинг «Миллий қадриятларни юксак бадиий савияда улуғлагани учун» белгиланган «Олтин булбул» совринига сазовор бўлди.

- Ўзбекистон санъати ва маданияти тарихида унутилмас воқеа - мазкур фестивал Шарқ халқлари мусиқа санъатининг ривожида муҳим ўрин тутади,- дейди Муножат. - Озарбайжонлик ёш хонанда Симара Имонова фестивалнинг бош совринига эга бўлиши ҳам ана шундай имконият натижаси, деб биламан. Мусиқа миллатнинг ички дунёсини очиб беради. Ҳар қандай куй-қўшиқда миллатнинг руҳий олами, маънавияти акс этиб туради.

Ўзбек санъаткорлари ижросидаги концерт дастурларида янграган асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ ижодиёти ва мумтоз қўшиқчилиги намуналари ҳам миллий мусиқачилигимизни жаҳонга танитишга муҳим ҳисса қўшди. Халқимиз қадрияти, урф-одати, турмуш-таровати миллий мусиқаларимизда намоён бўлмоқда. Миллий қўшиқчилигимизга хорижда қизиқиш тобора ортиб бораётганлигининг боиси ҳам шундан. Франция, Америка, Бельгия, Германия, Испания, Буюк Британия каби хорижий давлатларга ижодий сафарим чоғида чет элликларнинг ўзбек мусиқасини нақадар меҳр-муҳаббат билан тинглаганига кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Миллий мусиқамизнинг сеҳрини ҳам, қудратини ҳам шунда ҳис этганман. Айниқса, мумтоз ашулаларга эътибор катта. Чунки бу асарларнинг мусиқа матни биринчи ўринда туради.

Унинг ўз фалсафаси бор. У ғазал билан боғланиб янада жозиба бахш этади. Ашула матнига, тилига тушунилмаса-да, мусиқаси учун таржимонга ҳожат йўқ. Ўзимиз ҳам бошқа давлат ва миллатларнинг мусиқий асарларини эшитадиган бўлсак, у хоҳ ҳинд, хоҳ араб миллатига мансуб бўлсин, биринчи навбатда юрагимизга жо бўладиган нарса мусиқа. Яна бир мисол, республика телевидениесида айрим кўрсатувлар воқеаси фожиали бўлса, албатта, машҳур созанда Турғун Алиматов ижросида ғамгин танбур ва сато садоларидан фойдаланилади. Нима учун? Чунки, бу оҳанглар воқеа руҳини, туйғусини, фалсафасини ифодалаб беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўзбек мусиқасидек жозибали, айни вақтда мураккаб мусиқани ҳеч ерда эшитмадим. Чет эл сафарларим чоғида ҳам, Самарқанддаги анжуманда ҳам хорижлик хонандаю созандалар, мусиқашунослар куй-қўшиқларимизга, танбур, қонун, рубоб, чанг, доира каби миллий чолғу асбобларимизга, уларнинг келиб чиқиш тарихига қизиқиши катта бўлишининг боиси ҳам шундандир.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган ва дунё бўйлаб тилларда достон бўлган бу улкан анжуман мамлакатимиз раҳбарининг миллий санъатимиз обрўини ошириш, унинг бой меросини сақлаб қолиш ва тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракати натижасидир.

Дарҳақиқат, бу тадбир биз, санъаткорлар учун улкан синов бўлди. У яхши қўшиқ миллат ғурурининг ифодаси эканлигини яна бир бор исботлаб берди.

ЎзА мухбири Бахтиёр Мансуров суҳбатлашди

Долзарб мавзу

ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Халқимиз азалдан фарзандининг соғлом, фозил ва солиҳ инсон бўлиб камолга етишини истайди. Қолаверса ҳукуматимиз ва шахсан Президентимизнинг ўзлари бу борада жуда улкан юмушларга бош-қош бўлмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида у кишининг куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган нутқларини келтиришимиз мумкин. Унда "Таълим ҳақида"ги Қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг асл моҳияти тўлақонли очиб берилган. Биз Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб, вазирлик қошидаги ўрта махсус ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи, физика-математика фанлари номзоди, доцент Жуманазар ҲУСАНОВ билан суҳбатлашдик.

-- Ҳуррият туфайли йигит-қизларимизнинг билимларини мустаҳкамлаш, ошириш борасида талай қулайлик ва имкониятлар яратиб берилди. Негаки таълим тизими яхши йўлга қўйилмаган давлатда тараққиёт, юксалиш ҳам бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида сўзлаган нутқини пухта ўрганиб чиқиб, бевосита бошқармамиз учун тегишли бўлган, яқин орада бажарилажак юмушларни белгилаб олдик. Президентимиз 9-синфни битираётган болалар тақдири хусусида алоҳида тўхталди. Замон талабига кўра 16-18 яшар йигит-қизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишига мос янги таркибдаги, ягона услубдаги, жаҳон андозаларига жавоб берувчи махсус касб-ҳунар ва ўқув юртларида билим олишлари даркор. Лицей, лицей-интернатлар ташкил этиш ҳақида вазирлигимизда талай иш режаси тузилди. Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида. Ёшлар бўлганида ҳам истеъдодли, иқтидорли ёшлар қўлидадир. Олий ўқув юртлари қошида махсус лицей-интернатлар ташкил қилиб. унда энг иқтидорли ўқувчилар танланиб, муайян йўналишлар бўйича тажрибали профессор-ўқитувчилар қўлида таълим олиши кутилган натижани беради, деб ўйлайман. Фарзандларимиз унда энг замонавий фанларни -- информатика, чет тили, иқтисодиёт, математика, физикани пухта ўрганиш имкониятига эга бўлишлари, қолаверса, университет, институтларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти мактабларидан кескин фарқ қилади. Бу ердаги ўқувчилар кутубхоналардан ҳамда малакали профессор ўқитувчилар маърузаларидан баҳраманд бўладилар. Бу ўқув масканларимизда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, юксак ватанпарварлик ғоялари асосида болалар тарбияланадилар.

Президентимизнинг сўзлаган нутқларини жуда ўз вақтида кўтарилган асосий масала деб биламан. Ёшларимизни илмли, ориф кишилар қилиб тарбияламасдан Ўзбекистон келажагини юксалтириш мумкин эмас.

Бугунги ҳуқуқий-демократик жамият барпо этилаётган масъулиятли дамлар ўрта махсус ўқув юртларида жаҳон талаблари даражасидаги мутахассисларни етказиб беришни тақозо этмоқда.

Назокат УСМОНОВА

КАМТАРГА КАМОЛ

Президент стипендиатлари

Жиззах вилоятининг Арнасой туманида туғилган Собиржон ўзининг илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан элга танилиб улгурган ёшлардан. У мактабни имтиёзли тамомлагач Тошкент Давлат Иқтисодиёт Олийгоҳининг халқаро иқтисодий муносабатлар қуллиётида таҳсил ола бошлади. Серфарзанд оилада таваллуд топган Собиржон ўз кучи, ўз салоҳиятига таянди. Олийгоҳда эришган илмий ютуқлари сабаб, уни ўтган йили Германиянинг Бонн шаҳрига ўқишга юборишди. Илмга чанқоқ Собиржон хорижда ҳам ўзбек ёшларининг нималарга қодир эканлигини яна бир карра исботлади. У Германия-Ўзбекистон халқаро бизнес мактабини имтиёзли битирди. Назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаб, Конрад Аденауер номли жамғарма стипендиясини олиш билан бирга ушбу мактабнинг халқаро сертификатини ҳам қўлга киритди.

Собиржон Йўлдошевни ватанида хушхабар кутиб турарди. Илм олишда эришган натижалари сабаб унинг номзоди Президент стипендиясига тақдим этилди.

Собиржон жуда камгап, камсуқум йигит. Биз ундан эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб беришни сўраганимизда, тортинибгина мактабда, олийгоҳда таълим берган устозларига жавоб берувчи махсус касб-ҳунар ва ўқув юртларида билим олишлари даркор. Лицей, лицей-интернатлар ташкил этиш ҳақида вазирлигимизда талай иш режаси тузилди. Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида. Ёшлар бўлганида ҳам истеъдодли, иқтидорли ёшлар қўлидадир. Олий ўқув юртлари қошида махсус лицей-интернатлар ташкил қилиб. унда энг иқтидорли ўқувчилар танланиб, муайян йўналишлар бўйича тажрибали профессор-ўқитувчилар қўлида таълим олиши кутилган натижани беради, деб ўйлайман. Фарзандларимиз унда энг замонавий фанларни -- информатика, чет тили, иқтисодиёт, математика, физикани пухта ўрганиш имкониятига эга бўлишлари, қолаверса, университет, институтларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти мактабларидан кескин фарқ қилади. Бу ердаги ўқувчилар кутубхоналардан ҳамда малакали профессор ўқитувчилар маърузаларидан баҳраманд бўладилар. Бу ўқув масканларимизда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, юксак ватанпарварлик ғоялари асосида болалар тарбияланадилар.

Президентимизнинг сўзлаган нутқларини жуда ўз вақтида кўтарилган асосий масала деб биламан. Ёшларимизни илмли, ориф кишилар қилиб тарбияламасдан Ўзбекистон келажагини юксалтириш мумкин эмас.

Бугунги ҳуқуқий-демократик жамият барпо этилаётган масъулиятли дамлар ўрта махсус ўқув юртларида жаҳон талаблари даражасидаги мутахассисларни етказиб беришни тақозо этмоқда.

Назокат УСМОНОВА

ХАЁТ ЧЕЧАКЛАРИ

БАХТЛИ ЭВАРА

Мен бу хонадонга биринчи бор ташриф буюриб турибман. Икромжон остонада гаплашмайлик деб қўймай ичкарига таклиф қилганидан сўнг бу хонадонга қадам босдим. Кенг йўлакдан ҳовлига чиқдиму ҳайратдан тонг қотдим. Чор тарафи иморат билан ўралган ҳовлининг чап ва ўнг тарафидан ишком кетган, чап томондаги ишкомда оғирлиги 7-8 кило келадиган... ошқовоқлар узилиб кетмаслиги учун тагига "ликопча" тўшалиб бағазига қадаб қўйилган. Ўнг томондаги ишкомда ҳар воши камида бир килодан келадиган шода-шода ҳусайни узумлар офтобнинг нуридан тилладек ялтирайди. Узун, икки оёқли нарвоннинг тепасида оппоқ чўққи соқолли... мўйсафид узумларни парвариш қилаяптилар.

- Ий-й.. отахоннинг ўзлари... - дея ҳайратимни яширимай гапириб юбордим.

- Ҳа, бобом узумни ҳеч кимга ишонмайдилар. Доим ўзлари қарайдилар,- дейди неваралари Икромжон кулиб. Отахон билан танишиб гурунглашганимда бир ҳайратим минг бўлди. Уч метр баландликка чиқиб токни парвариш қилаётган ота 82 (!) ёшга тўлибдилар, тўрт фарзанд, 17 невара, 34 нафар эваралари бор экан. Қойил, бир инсоннинг орқасидан фарзандлари, невара-эваралари - ҳаммаси бўлиб 55 нафар одам дунё юзини кўрса. Отахон билан суҳбат қуриб, бу табаррук инсоннинг фақат меҳнатда эмас, юртимиздаги ижтимоий аҳволга ҳам бефарқ эмасликларининг гувоҳи бўлдим.

- Мамлакатимизда хўп катта ўзгаришлар бўлаяпти. Илло, ҳаммаси яхшиликкадир. Юртбошимиз барака топсин, Бухородаги нефт завўди битказилганини эшитиб роса хурсанд бўлдим. Ҳаммасиданам энди бизда ҳам Оврўпо мамлакатларидаги каби тоза бензин чиқар экан. Болам, мошин чиқадиган завўд, фабрика ва завўдлар бошқа собиқ шўродан ажраб чиққан мамлакатларда, хусусан қўшни мамлакатларнинг ҳеч бирида бунёд бўлмаётир. Болам, ҳали ёшсила, мани айтди дерсиз, бу қурилишлар ҳали кўп яхшиликларга олиб келади.

- Қойил, отахон. Янгиликларданам хабардорман денг.

- Бўш қолдим дегунча радиоламни қулоғини бурайман.

- Ота, узумларингизни кўриб роса қойил қолдим. Ҳаммасидан қовоқнинг ишкомда кўкарганини биринчи бор кўришим, - дейман ўзим учун муаммо бўлган саволни кўндаланг қўйиб.

- Ҳа, шу ерга ҳам узум эккандим. Катта бўлгунча ер бекор турмасин деб қовоқ уруғини қадам қўйгандим, ҳосили яхши битди. - Қовоқнинг поясига чирмашиб бир-икки қулоч бўй отган токнинг новдасига энди кўзим тушди.

- Яшанг, ота! Ҳақиқий деҳқоннинг ишини қилибсиз.

- Ўзимам ҳақиқий деҳқон бўлганман, болам. Шу шаҳар ховлиларнинг ўрнида илгари "Намуна" колхози бўларди. Худога шукр, суягим меҳнатда қотди.

- Ота, энди байрамда туғилган эварангиз билан таништиринг,. - дейман ҳовлида ўйнаб юрган 3-4 болага қараб уларнинг қай бири Истиқлол тенгдоши эканини ўйлар эканман.

- Ойбек, қани ўғлим, келақол. Амакинг билан кўриш.

- Ҳозир, - дейди шу топда ҳовлидаги "Жигули"нинг чамбарагини чап-ўнгга бураётган бола машина деразасидан бошини чиқариб. Ойбек билан кўришаман.

- Ўригидан данаги ширин деб бежиз айтмас эканлар,- деб суҳбатга қўшилади Ойбекнинг бувижониси Умринисо опа. - Ойбек бизнинг бош неварамиз. Умри билан берган бўлсин. Ҳукуматга раҳмат, "Иттифоқ"дан уй қуриш учун ер беришган. Ойбекнинг отаси Алишер болам ўша ерда иморат қуриш билан банд...

Ўз зотига тортади деб бежиз айтмайдилар. Ойбек айтадиган шеър ҳам бобоси табиатига монанд:

Исмим кади - ошқовоқ,
Осилтириб қош-қовоқ,
Барг остида ётаман,
Томга палак отаман...

... Уч кундан сўнг расмга тушириш учун расмчи Миродил ака билан Акмал Икромов туманидаги Иброҳимов кўчасининг 89 уйида истиқомат қилувчи Омонжон отанинг эшигини тақиллатсам келинлари Умринисо опа эшикдан кулиб кутиб олдилар:

- Қадамингиз хонадонимга қутлуғ келган экан. Ўша келган кунингиз кечқурун келинимнинг кўзи ёриди. Бош фарзандини Исломжон деб атагандик. Бунисига ҳам ният қилиб Каримжон деб атадик.

Ҳа, шундай қилиб Омонжон отанинг 35 чи эвараси дунёга келди. Ўнта бўлса ўрни бошқа, деганларидек уларнинг ҳаммаси ота учун суюкли. Лекин уларнинг ичида Ойбек барибир ўзгача - у кенжа ўғилларидан бош невара бўлиб дунёга келди, яна энг қизиғи у истиқлолга эгизак. Истиқлол фарзанди Ойбекнинг оламга фахрланса арзийдиган бобоси, бувваси ва бувиси бор, отаси Алишер эса уларнинг оиласи учун иморат қуриш ҳаракатида, Ватани кундан кунга бахтли келажак сари одимламоқда. Унга ҳар қанча ҳавас билан қараса арзийди!

Суннат АЗЛАРОВ,
"Туркистон" мухбири

XX аср иншоотлари

ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент-Ўш катта довон йўлини таъмирлаш ва янги йўл қуришга оид Қарор қабул қилганига ҳали унчалик ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да, тоғли ҳудудда Қамчиқ довонининг қурилиш ишлари қизғин тус олиб улгурган.

Мавжуд икки довон оралиғидаги йўл қудратли техникалар ёрдамида текисланяпти. Резак ва Қамчиқ довонида янги йўлнинг маълум қисми ер остидан ўтади. Биргина Резак довонининг ер ости йўли узунлиги 348 метр. Ҳозиргача шундан ўттиз метрдан ортиғи қуриб бўлинди.

Ўз мухбиримиз

Суратларда: Туннел қурилишида; Қудратли техника йўлсозлар хизматида; Хусанхон Раҳматов Пунган йўл қурилиши участкасида ишлайди.

Суратқаш А. ГЕРАСИМОВ



МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИДАГИ ЎЙЛАР

Нуқтаи назар

Юртимизнинг кўрки-таровати мустақилликнинг ўтган олти йилида тубдан ўзгариб кетди. Шаҳарларимизни кезиб, қисқа муддатда қад кўтарган осмонни ўпгудек баланд, виқорли ва ҳашаматли биноларга қараб, давлатимиз қудрати аста-секин юксалиб бораётганини дилдан ҳис этиб, кишининг вужуди яйраб кетади, кайфияти кўтарилади.

Шукурки, одамларга даҳшат солувчи Марснинг хўмрайган боши, катта, қўпол этик кийган комиссарлар каби бутун ўлкамизни даҳшатга солиб турган ҳайкаллар ҳам уларнинг ғоялари каби юртимиздан супуриб ташланди. Ўтган мустабидлик йилларида унутилган, хор қилинган қанчадан-қанча табаррук аждодларимизнинг номларини тиклаяпмиз.

Таажжуб, халқимизнинг тарихи, қадриятларидан мосуво қилган, унинг асл фарзандларини қатағон қилган шахсларни шунча йиллар ардоқлаб келибмиз, номини абадийлаштириш мақсадида шох кўчаларимиз. хиёбонларимизни уларнинг исми билан юритибмиз.

Бизнингча, номлар у ёки бу тарихий шахснинг хизматларини шунчаки тақдирлаш учунгина берилмайди. Ундан кутилган мақсад, унинг маъно-мазмуни анча терандир. Номлар, ҳайкаллар Миллат ва Ватаннинг тимсоллари бўлмоғи лозим. Ёдгорликлар биринчи навбатда эл ва юртни истилочиларга қарши курашга чорлаган ва мислсиз жасорат намуналарини кўрсатиб, Миллат ва Ватанни ҳалокатдан сақлаб қолган халқ қаҳрамонлари ёхуд уни озод ва обод этишда фавқулодда хизматлар қилган салтанат эгалари, ўзбекнинг довруғини дунёга ёйган фан, маданият, давлат арбоблари, тарихнинг буюк бурилишларида ҳал қилувчи роль ўйнаган алоҳида шахслар хотирасини ардоқлаш, эъзозлашга хизмат қилиши зарур. Боғлар, кўчалар, майдонлар ана шундай юрт фарзандларининг номлари билан аталмоғи керак. Муҳташам хиёбонларда, ғавжум чорраҳаларда уларнинг ҳайкаллари бўлмоғи, улар ёшларни Ватан, халқ учун фидойи бўлишга чорлаб турмоғи лозим.

Шуларни мушоҳада қилар эканмиз, тарихимизнинг яқин ўтмишида бўлиб ўтган воқеалар хаёлимизда жонланади.

"Туркистон вилояти газети" саҳифаларидан маълум бўлишича, 1910 йилда чор ҳукумати Самарқандда Мирзо Улуғбекка ёдгорлик обидаси тикламоқчи бўлади. Нега деганда, бу вақтга келиб бу буюк аждодимиз яратган расадхона топилган, машҳур немис олими Броккельманнинг Улуғбекнинг илмий даҳоси ҳақидаги тадқиқотлари дунёда катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

Алломанинг "Зижи Кўрагоний"асари дунёнинг турли мамлакатларида қайта-қайта чоп этилаётган эди. Шу боис, Николай подшо ҳам жаҳонга ўзининг маърифатпарвар эканлигини намойиш этишга интилган бўлиши мумкин. Ҳуллас оқ подшо фармони билан 1910 йилнинг 3 ноябрида Русия астрономия жамияти қошида мазкур масала бўйича махсус қўмита тузилди. Унинг мутасаддилигини улуғ князь Михаил Александрович ўз зиммасига олди. 1911 йилнинг 28 апрелида Петербургда унинг биринчи йиғилиши ўтди. Шу куни берилган фатвога кўра Туркистонда "назр ва ҳадя" йиғиш бошланиб кетди. "Туркистон вилояти газети" "Памятник Улуғбеку", "Аҳли фохимларга бир нидо" сарлавҳалари остида мунтазам мурожаатлар уюштириб берган. Халқ Улуғбекдай буюк аллома учун ёдгорлик ўрнатишга маблағни аямайди.

Маблағ тўпланди. Аммо ёдгорлик ўрнатилмади. Бу орада Романовлар сулоласининг 300 йиллиги ва Туркистон сулоласининг забт этилишининг 50 йиллигига тайёргарлик бошланиб кетади.

1913 йилнинг 4 майи. Тошкентнинг қоқ марказида Туркистонни биринчи губернатори генерал адъютант Константин Петрович фон Кауфманга "Кўп улуғ ишлар учун" улкан обида ўрнатилди. Бир йил ўтар-ўтмас Тошкентни забт этган генерал Черняевга ҳайкал тикланди. Эҳтимол, Улуғбек ёдгорлиги учун йиғилган "назру-ҳадялар" шуларга сарф бўлгандир.

Советлар даврида бу ишларнинг шаклу-шамойили ўзгарди, холос. Моҳияти тамом эскича қолди. Республиканинг барча шаҳарлари марказнинг империячилик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилган большевик йўлбошчиларнинг ҳайкаллари билан қопланди. Ҳайкалтарошлик эса тоталитар давлат мафкурасини ифода этувчи кўргазмага айланди.

Яратганга шукурким, мустақиллик Маллат ва Ватаннинг манфаатини ҳимоя қилмоққа шарт-шароит, имконият яратди. Кўча ва ҳиёбонимиз истилочилар, халқдан йироқ бўлган инсонларга ўрнатилган ҳайкаллар ва ёдгорликлардан ҳоли бўлди. Шаҳарларимиз, туманлар, кўчалар аждодларимиздан қолган миллий қадриятларга асосланган тарихий номларга эга бўлдилар. Кўплаб мавзеларимиз халқимизнигина эмас, балки дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар номлари билан атала бошлади. Тошкент шаҳрида ўрнатилган Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали, Мирзо Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмийларга ўрнатилган обидалар халқнинг бу буюк алломанинг руҳи-покига таъзимидир.

86 йил илгари истилочи давлат ҳукумати назаридан қолиб, ўрнатилмаган Улуғбек ҳайкали энди ғурурли қаддини кўтарди. Пойтахтнинг олимлар шаҳарчасидаги гўзал ҳиёбонга салобат бахш этиб турган улкан олим сиймосини гавдалантирган ҳайкал ёнидан ўтаётган ҳар бир кекса-ю ёш унга таъзим қилиб ўтади. Бизга Мирзо Улуғбек руҳи олиму фузалоларимизнинг изланишларига мадад бериб, куч-ғайрат, илҳом бахш этаётгандек туюлади. Ўзбекистонимизнинг янги тарихи яратилаётган ушбу кунларда миллий давлатимиз тараққиётида бурилиш жараёнларининг бошида турган буюк алломаларимиз ва халқ қаҳрамонлари хотираси олдида ўзимизни қарздор ҳис этамиз. Назаримизда уларнинг хотираларини меъморий иншоотлар, уларга ҳайкаллар ўрнатиш орқали ҳам ўз бурчимизни адо этишимиз керак. Албатта бу катта маблағ талаб этади. Аммо бизда ҳам сердаромад корхоналар, фирмалар, ишлаб-чиқариш бирлашмалари, фондлар бор. Юртимизнинг бойлари, савдогарлари, тижорат аҳли маърифатга, санъатга ҳомийлик қилишдек халқимизга хос ва мос бўлган миллий удумларимизни унутмагандир. Шундай анъаналарни тикласак, ниҳоятда савобли иш бўлур эди.

Шарқшунос олимлардан бири шундай деган эди: "Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа бир илм ва маданият арбобига ҳайкал қўйиладиган бўлса, шубҳасиз бу Беҳбудийнинг ҳайкали бўлғусидир".

Ватанимиз ўз мустақиллигининг еттинчи йилига қадам қўйган ушбу кунларда биз унинг тараққиёти ва равнақи учун бутун вужудини, истеъдодини, фаолиятини бағишлаган улуғ ўғлонлари ҳақида ҳам сўз юритишимиз жоиздир. Улар қаторида улуғ Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиймоси туриб, унинг руҳи юртимизда бўлаётган ўзгаришларга қувонч ва мамнунлик билан назар ташлаб турган бўлса ажаб эмас. Чунки мустақил Ўзбекистон унинг орзуси эди. Шу орзу йўлида М.Беҳбудий XIX аср охири XX аср бошларида мавжуд бўлган таълимотлар ва фикрлар орасида шарқий фалсафага мос келадиган, лекин Оврўпа фалсафаларининг қимматли томонларини ўзига қамраб олган тараққиёт йўлини босиб ўтган жадидий дунёқарашни танлади. Бу йўлда у маърифатчи, адабиётшунос, ёзувчи, педагогдан улкан сиёсатчи даражасига кўтарилди. Илгари жаҳон цивилизациясининг чорраҳасига келган, лекин унинг замонида мустамлакачилик исканжасида ночор бир ҳолга тушган, таназзулга учраган халқни уйғотди, илмга,билимга даъват қилди. Маъданият жарчиси, назариётчиси бўлибгина қолмасдан, янги жадидчилик ғояларини қаётга тадбиқ этди. Беҳбудий маърифатни байроқ қилиб кўтарди, ўзбек драматургиясига асос солди. Унинг машҳур "Падарқуш" пъесаси замондошларига чақмоқдай таъсир қилди ва одамларга қайси йўлдан тараққиёт сари юриш кераклигини яққол кўрсатди. У миллий мафкуранинг негизи таълим-тарбия деб биларди, шунинг учун ўз маблағи ҳисобидан "усули савтия", "усули жадид" мактабларини очди, талабалар учун жуғрофиядан тортиб то адабиёт ва аҳлоқ илмлари бўйича ўндан ортиқ дарсликлар ёзди, китобхона, нашриёт ташкил қилди, икки марта ҳаж сафарида бўлиб, мусулмончилик бурчини адо этди, шунинг билан бирга дунёни кўриб китоб йиғди, билим йиғди, дўст орттирди. Жаҳон цивилизациясининг ижобий тажрибасини ўрганиб, ўз концепциясини киргазди.

Беҳбудийнинг матбуот тарихидаги хизматлари-чи? Унинг "Ойна" журнали матбуотимиз тарихидаги шунчаки биринчи журнал эмас, малоҳатини ҳам кўрсатадиган чинакам ойна бўлди.

У миллатни илгор Европа илм фанини инкор этмаган ҳолда, биринчи навбатда, шавкатли тарихимиз билан, халқимизнинг урф-удумлари билан тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйди. Биринчи сондаёқ "иккита эмас, тўртта тил лозим"- деб ёзди ва шу принципга амал қилди. Лекин ўз халқи тараққиётини нафақат маърифатда, балки унинг сиёсий мақомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишда деб билди. Ўзининг кўплаб мақолалари ва фаолиятида у рус чоризм ва вақтли ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилди.

"Тарихдан яхши маълумки,-деб ёзади Беҳбудий,-Ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, диния ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади...Биз мусулмонлар, хусусан Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ". Нақадар оқилона ва ҳозирги замонга мос сўзлар! Лекин М. Беҳбудий ҳар қандай инқилобга қарши эди. У ўз атрофида жадидларни ва бутун прогрессив кучларни йиғиб, парламент орқали, халқни манфаатини кўзлаб ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қилган. У халқни жипслаштириб, унинг бор кучини мустақиллик учун курашга сафарбар этган. 1917 йил июнь ойида у биз дин ва миллатимизни иттифоқ этмасак, зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва уламоларимиз бирлашмаса, Ватан ривожи учун хизмат этмаса "яна биз мусулмонлар русларнинг фуқароси ва раияси бўлган ўлкадек, алардан даст ва рижога қолурмиз, колония(мустамлокот) қоидаси ила бизни идора этадилар-ки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур",-деб бонг урган.

Беҳбудий ва унинг сафдошларининг Туркистон автономияси учун курашиш Туркистон маҳаллий халқларининг сиёсий, миллий ва иқтисодий манфаатларини Дума орқали ҳимоя этиш, уларнинг фаолиятида 1917 йилнинг баҳоридан то Қўқон мухториятини болъшевиклар томонидан тор-мор қилинишига қадар ҳукумронлик қилиб келди. Ўша йилнинг 9-16 апрелида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Ижроия Қўмиталари қурултойида сўзга чиққан М. Беҳбудий, Аҳмад Заки Валидий билан ҳамкорликда маҳаллий халқнинг сайланадиган органларида тенг ҳуқуқли асосларда қатнашувини ёқлаб чиқди. Унинг ўринли танқиди шарофати билан қурултойда шаҳар ўз-ўзини бошқарувини икки шакли сайловлар ўтказиш ҳақидаги ҳавфли фикр-таклифи инкор қилинди, яъний Туркистон руслар учун алоҳида, маҳаллийлар учун алоҳида бошқарув тизими инкор этилиб, ҳамма учун ягона ўз-ўзини бошқарув тизими таклиф этилди.

Беҳбудий фаолиятида миллий манфаатлар устивор аҳамиятга эга бўлишига қарамай, унинг ўзи барча тараққийпарвар сиёсий кучлар миллатидан мустасно, ҳамма халқларни Туркистон равнақи йўлида бирлашуви тарафдори эди. Шу билан бирга Аҳмад Заки Валидийнинг гувоҳлигича, у большевикларга ёт кўз билан қараб келган ва ёмон муносабатда бўлган. Чунончи Беҳбудий 1906 йилда чоп этилган "Хайр ул-умурий афсатуҳо" (ҳамма нарсанинг ўрта миёнаси дуруст) номли мақоласида ўша вақтда мавжуд тўртта фирқага, жумладан, большевиклар фирқасига баҳо бериб, уларнинг ғоялари нафақат номақбул, балки ўта заҳарли деб ҳисоблайди.

У экспорт қилинган большевистик "инқилобни" қабул қилмади, унинг орзусини нишонаси бўлган "Туркистон мухториятини" (Қўқон мухториятини номи билан маълум) қўллаб-қувватлади ва унинг ҳукумат аъзоси этиб сайланди. Республика тор-мор қилингандан сўнг, у ниҳоятда қувончли ҳолатда бу ҳақда оташин мақола ёзди. Фожеали Қўқон воқеалари, гуллаб яшнаб, ўз истиқболи сари кетаётган юртни яна колония занжирига ғарқ бўлганига у сира ҳам чидай олмасди. У бир йилўлимга қадар сукут сақлади, сиёсатдан четлашди, лекин барибир халқига хизмат қилаверди, маориф соҳасида катта ишлар қилди. Аммо бундай улкан тафаккур соҳиби умидларининг поймол этилиши, унинг ўзининг ҳам шу воқеалар гирдобига тортиб кетди. Лекин у, ҳамиша Туркистоннинг истиқболи порлоқ эканлигига ишонарди. Шаҳид кета туриб, у юртимиз озод бўлишига ишонч билдириб кетди.

У бизга оталаримизни танитди. Етти отасини танимаган, уруғини билмаган кишини "қул","марқуқ" деб ёзди. Бу сўз Ч.Айтматов туфайли "манқурт" шаклида янги маъно ва мазмун касб этгани хаммага маълум.

Не бахт-ки, замон айланиб, биз мустақиллик туфайли ўз мулкимизга, ўз ақлимизга, ўз меҳнатимизга эга бўлиб турибмиз. Беҳбудийнинг орзу-армонлари, ўлмас ғоялари бугун бизга ҳар қачонгидан ҳам яқиндир. Биз бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, бунинг учун эса Ватан ва Миллатнинг қадрини жаҳондаги минглаб миллатлар орасида ўрнини англаш борасида Беҳбудий ва унинг маслакдошлари фикрларига ҳам таянамиз. Кичик майда-чуйда манфаатларни орадан олиб, Ватандек муқаддас, Миллатдек улуғ ғояларга хизмат қилиш туйғуларини Беҳбудий васият қилганидек келажак авлодларимизга сингдириш вазифаси хозирга кунда энг муҳим ва ўта эҳтиёжли масала. Бугунги кунлар учун борлиғини фидо этган оталарни қадрига етмоқ, уларни англамоқ фарзандлар учун фарздир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг сафдошларига пойтахтимизнинг эътиборли жойларидан бирида ҳайкал қўйиш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори,
Бегали ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Хиванинг 2500 йиллигига

ПЁТР I НИНГ МАХФИЙ РЕЖАСИ

Биринчи мақола

Рус подшоҳлигининг Хивага ташрифидан орзуси: ''Грозний''[1] номи билан машҳур бўлган Иван IV нинг ''Москва иккинчи Рим, учинчи Римнинг эса бўлиши мумкин эмас'', деган сўзларида акс этганди.

Иван Грозний мақсад йўлида 1552 йили Қозон ва 1556 йили Аштархон хонликларини босиб олди. Москва давлати 1581 йилда Сибирдаги мусулмон подшоҳлигига ҳужум қилиб, уни забт этди.

Москва энди афсонавий бойликлар макони деб шуҳрат топган Ўрта Осиё минтақасига кўз олайтириб, бу ерда мавжуд хонликлар ҳақида кенг кўламда жосуслик маълумотларини тўплай бошлади.

Бу хусусда ''Москва савдо компанияси'' деб аталган ташкилотнинг вакили Антони Женкинсон бошчилигидаги элчиларнинг фаолияти муҳим ўрин тутади.

Антони Женкинсон Ричард ва Роберт Жонсонлар ҳамкорлигида 1558 йилнинг апрелидан то 1559 йилнинг 2 сентябригача Бухорода бўлади, Бухоро хони Абдуллахон II билан учрашади.

Шайбонийлар сулоласининг салоҳиятли ва машҳур вакилларидан ҳисобланган Абдуллахон рус подшосининг расмий элчиси билан бўлган суҳбатда Россия, Англия ва Туркия давлатларининг ҳарбий қудрати, қуроляроғлари ҳақида маълумот олишга қизиққан бўлса, Женкинсон ва унинг шериклари Бухоронинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий турмуши ва халқаро алоқалари ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумотлар тўплайди. Антони Женкинсон ушбу саёҳати ҳақидаги ''Россиядаги Москва шаҳридан Бақтриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилдаги саёҳат'' номли китобида Бухоро ҳақида қизиқарли маълумотлар берган.

Россия бу даврда зўр бериб Ўрта Осиё хонликлари ҳақида маълумот тўплашда давом этди ва 1620 йилда Иван Хохлов, 1669 йилда Б.А. Пазухин ва С.И. Пазухинларни, 1675 йилда эса В.А. Даудов бошчилигидаги элчиларини бу хонликларга жўнатди.

Улар Бухоро, Хива ва Урганчда бўлишиб, ўзбек хонликларининг иқтисодий-сиёсий аҳволи билан яқиндан танишишди. Тадқиқотчилар XVII асрда Бухоро ва Хива хонликларида Россиянинг 9 элчиси бўлганини аниқлашган.

XVII аср бошларида рус казакларининг Урганчга қилган ҳужумлари ҳақида маълумотлар сақланган. Казаклар Урганчга ҳужум қилиб, катта ўлжа олишгани ва халқнинг уларга қарши қўзғалгани хусусида тарихий асарларда муҳим маълумотлар бор.

Урганчнинг рус казаклари тарафидан забт этилиши ва Хоразм халқининг рус босқинчиларига қарши олиб борган кураши муаррих Абулғозийхоннинг ''Шажарайи турк''[2] асарида қуйидагича тасвирланган:

''Ёйиқ теганда юруғон ўруснинг қозоқиндин минг киши саратоннинг аввалги куни ғофил келиб, Урганчнинг қалъасига кирди. Шаҳарда раъиятдин ўзга киши йўқ эрди. Хоннинг ўрдаси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабида эрдилар. Хивақда хонга киши чоптурдилар. Етти кунда хон келди. (Казаклар) Урганчда раъиятдин минг кишини ўлтирди ва минг қиз билан жувонни олди. Минг аробага яхши моллардан юклади. Бўз ва бўёғли, палос ва тўн, тўшакястуқ мундоғ нимарсаларни барчасини ўтга ёқди. Буларни саранжом қилгунча етти кун бўлди. Андин сўнг (казаклар) Урганчдин чиқиб дарё лабига юруди. Араб Муҳаммадхон олдига бориб ўр қазди ва жанг қилди. Икки кун уруштилар, учинчи куни жибни зўр қилиб олиб, тақи босиб ўтди. Ўрус пиёда, бизнинг халқ отлиғ икки фарсанг ер юзунда яна ўр қазиб жанг қилдилар. Ўрус юклаган сувини тамом қилди. Уруштилар ўрус қон ича бошлади. Бешинчи куни қонни ҳам тавосутти. Ўзбек ҳар ердан тўптўп бўлиб чопди. Ўрусни ўлдуриб-ўлдуриб қайтди. Ул аробадан чиқиб урушар эрди. Ахир аробанинг ичиндан чиқа билмади. Ожиз бўлди. Еттиланчи куни барча иттифоқ бирлан чоптилар. Аробага келгандан сўнг отдин тушиб кўран ичига кириб қилични қўя бердилар. Халқ ўлжага юзбурғонда ўрус қочиб дарё лабига бориб Тук қалъасининг қуйисида яғочдин қалъа солиб балиқ олиб едида ўлтурди. Араб Муҳаммадшоҳ бориб қабади. Тақи ўн беш кунда олди''.

Атаман Нечаев бошчилигидаги Урганчга бостириб кирган казаклар тақдири хусусида Абулғозихон қимматли ахборот беради: ''Биз дунёга келган йилининг аввал баҳоринда ўн етти киши ўрусга савдога кетар,-деб ёзади Абулғозий,-Қўш Ёйиқ теганда минг қозоқ ўрус бор эканди. Йўлда анча учрай қирқ кун ўтгандан сўнг биз дунёга келибмиз. Отамиз айтибди:''Бизга бир ғазот муяссар бўлди. Мунинг йўли ва қадами муборак бўлди ва тақи мунинг онасининг жамоатин ғозийлар дерлар, ул нисбати ҳам бор теб, отимни Абулғозий қўюб турурлар''.

Россия истилочилари Урганчга икки марта хужум қилиб, ҳар сафар хонлик кучлари томонидан қириб ташланганликларига қарамай, улар яна бир бор Урганчга юриш қиладилар. Бироқ улар йўлда қаттиқ совуқ, бўрон ва очликка учраб, касалликка чалинадилар ва ноиложликдан, ҳатто ўлган шериклари нинг гўштларини ейишга мажбур бўлиб, охирги оқибатда йўлларда қирилиб кетганлар. Бу эса Россия билан Хива хонлиги ўртасидаги вазиятни кескинлаштирган. Аммо Хива хонлигидаги айрим юқори табақа вакиллари орасида тожу тахт учун курашларда ватанига хоинлик қилиб, рус давлатига бош эгиб, таъзим бажо келтирувчилар ҳам бўлди. Бу ўринда Хива хони Исҳоқ Оға Шоҳниёзнинг (1694-1701) 1700 йили Дўстбек Баҳодирни Россияга юбориб, савдо-сотиқни ривожлантириш таклифи билан бирга Петр I дан хонликни рус давлати тобелигига олишни сўраганини эслаш кифоя. Шунда Петр I бу таклифни бажонидил қабул қилиб, ўша йилнинг 30 июнида Хива хонлигини Россия тобелигига олиш ҳақида фармон чиқарган эди ва Дўстбек Баҳодир бу ҳақдаги махсус ёрлиқни Хивага олиб келганди. Хива хонлигининг Рус давлати тобелигига ўтганлиги, Исҳоқ Оға Шоҳниёзнинг ўзи эса рус давлатига содиқ бўлиши ўша ёрлиқда кўрсатиб ўтилган. Бироқ хонликнинг Россия тобелигига олиниши бир гуруҳ ватанфурушларнинг истаги бўлиб, халқ буни хоҳламас эди. Шу боис ўша машъум ёрлиқ қоғозда қолиб кетди. Хонликнинг узоқда жойлашгани ва йўл азоб-уқубатлари бу хонлик устидан назорат ўрнатишни ниҳоятда мушкуллаштирар эди. Қолаверса, бу пайтда Чор Россияси Швеция ва Туркия билан урушаётган бўлиб, Пётр I асосий диққат-эътиборини шу масалага қаратганди. Дўстбек Баҳодир 1703 йили Хива хони Араб Муҳаммад II (1702-1714) номидан Москвага Аштархон орқали элчи сифатида бориб, икки давлат ўртасида савдо-сотиқни ривожлантиришни ва Хива хонлигини Рус давлати тобелигига олишни иккинчи бор илтимос қилади. Бунга кўра Петр I Хива хонлигини Рус давлати тобелигига олиш ҳақида иккинчи марта фармон чиқарганди. Петр I нинг ёрлиғи тез орада элчи орқали Хива хони Араб Муҳаммад Иккинчига етказилди. Аммо Петр I нинг бу фармони ҳам амалга ошмай қолди.

1713 йилда Аштархонга келган манғишлоқлик туркман савдогари Хўжа Нафас Амударё соҳили олтин қумларга бойлиги ҳақида гап тарқатади.

Мазлум чор Россиясини Европадаги бой-бадавлат мамлакатлар қаторига олиб чиқиш пайида юрган Пётр I бу гапларга қизиқиб қолади. У босқинчилик сиёсатини амалга ошириш учун олтиннинг нақадар зарурлигини яхши англар эди. Шунинг учун у Хўжа Нафасни шахсан суҳбатлашиш учун ўз ҳузурига чақиртирди. Хўжа Нафас суҳбат чоғида қадим замонларда Амударё Каспий денгизига қуйилганини, аммо, кейинчалик маҳаллий аҳоли дарёни тўғон билан тўсганини ва қуриган ўзан олтинга бойлигини айтади. Хўжа Нафаснинг маълумотларини худди шу вақтда Петербургга келган Сибир губернатори Матвей Гагарин ҳам тасдиқлайди ва Ёркент шаҳри яқинида Амударё соҳилидан олиб келинган олтин намуналарини кўрсатади.

''Пул - урушнинг қон томири'' иборасининг муаллифи бўлган ПётрI энди махфий режа тузиб, бу олтинларга эга бўлиш учун Ёркентга икки гуруҳ жўнатишга қарор қилди.

Капитан Иван Бухгольц раҳбарлигидаги биринчи экспедиция Сибир орқали Тобольскдан Иртиш дарёси бўйига бориши керак эди. Бу гуруҳ 1715 йилнинг бошларида йўлга чиқиб, Ямишев кўлига етиб борди ва у ерда истеҳком қурди. Аммо, маҳаллий аҳоли қалмоқ қабилалари рус ажнабийларининг ушбу қалъасига ҳар тарафдан ҳужумлар уюштиравергач, Бухгольц орқага чекинишга мажбур бўлди. Капитан Бухгольц гуруҳи орқага қайтиш чоғида Оми дарёсининг Иртишга қуйиладиган ерида Омск қалъасини қурди.

Ўрта Осиё орқали ўтиши керак бўлган иккинчи экспедиция раҳбари Преображенский полкининг капитан-поручиги Бекович-Черкасский Амударёнинг аввалги ўзани ўрни - Красноводск қўлтиғида истеҳком қуриб, Хива хонлигига бориши ва хонни рус фуқаролигига ўтишга ундаши, унга рус гвардиясини таклиф этиши ҳамда Амударёни эски оқимига буриш имкониятларини аниқлаши лозим эди. Бекович-Черкасский зиммасига тағин Хивада бу вазифаларни бажариб бўлгач, Бухорога ўтиб, амирнинг ҳам Россия паноҳига ўтишини таъминлаш юклатилади.

Пётр I нинг Бекович-Черкасскийга йўриқномаси

1. Амударё бир вақтлари Каспий денгизига қуйилган жойда 1000 чақиримни қамрайдиган ҳарбий истеҳком қурилсин. Амударё оқимини ва тўғонларини синчковлик билан ўрганиб, имкони бўлса. эски йўлга буриб юборилсин. Сувни Орол денгизига йўналтирадиган тўғонлар бузилсин. Бу ишларни бажаришга қанча киши керак бўлиши аниқлансин.

2. Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтишига эришилсин ҳамда бизнинг манфаатларимизга хизмат қилиш шарти билан ҳарбий қисм қолдирилсин. Агар хон рози бўлса ва шароити кўтарса, ҳарбий қисмни ўзи таъминласин. Бордию, буни қила олмаса, ҳарбий қисмни бир йил давомида таъминлаш кафолати берилсин, кейинги йиллардаги харажатлар эса унинг зиммасига юклатилсин.

3. Агар Хива хони розилик билдирса, у вақтда хон ўз кишиларига икки русни қўшсин ва улар Сирдарё суви бўйлаб олтин борлигини аниқлаш учун Ёркентга жўнатилсин. Шунингдек, хондан савдогарларимизнинг Амударё бўйлаб Ҳиндистонга боришлари учун кемалар бериши сўралсин. Савдогарлар кетаётганларида қуруқлик ва сув йўлларини, дарё ва кўлларни, айниқса, Ҳиндистонга борадиган йўлни яхши ўргансинлар ва маълумотлар тўпласинлар. Агар савдогарлар Ҳиндистонга Каспий денгизи орқали борадиган йўл мавжудлигини эшитсалар, у вақтда шу йўл билан орқага қайтсинлар ва кўрганларини қоғозга туширсинлар.

4. Хива хонидан Бухоро хонлигининг рус давлати тобелигига ўтишига хоҳиши борйўқлиги аниқлансин. Бордию бундай истак бўлмаса, дўстлик муносабатлари ўрнатишга эришилсин.

5.Кўрсатилган топшириқларни амалга ошириш учун 4000 кишидан иборат мунтазам қўшин ва керакли кемалар ажратилсин. Бундан ташқари, Ёйиқ казакларидан 1500, эшкакчилардан 500 ва отлиқлардан 100 киши берилсин. Улар савдо карвонларини муҳофаза қилиш ниқоби остида Аштархондан ҳарбий қалъа ва шаҳар қуриладиган жойга, яъни Каспийнинг шарқий қирғоғига юборилсин. Қўшин командирлари барча жойлардаги туб аҳолига нисбатан хушмуомалада бўлсинлар. Шаҳарни қуриш учун зарур бўлган асбоб ва чўкичлар берилсин.

6. Денгиз офицерларидан поручик Кожин ва навигаторлардан 50 ёки кўпроқ киши ҳарбий қисмга қўшилсин. Кожин савдогар ниқобида иш юритиши, навигаторлар эса Ёркентга юборилиши лозим. Кулюмов ўқув юрти талабаларидан икки инженер олинсин. Кожин зиммасига борган жойидаги молларнинг турларини ва умуман, савдо-сотиқни яхши ўрганиш юклатилсин. Унга савдогарлардан икки киши биркитилсин. Булар кекса бўлмасинлар.



Капитан поручик Бекович-Черкасскийнинг ҳукумат сенатига 1717 йил 14 мартда юборган талабномаси

1. Мунтазам қўшиндан 4000, драгунлардан (отлиқлардан) 1500, пиёда аскарлардан (офицерлари билан биргаликда) 2500, казаклардан 2000 кишини кийим-кечаклари, озиқ-овқатлари ва маошлари билан биргаликда берилсин.

2. Каспийнинг шарқий қирғоғига қуруқлик билан бориш учун белгиланган 2000 кишидан иборат аскарларга камида бир йилга етадиган озиқ-овқат, аравалар ва бошқа ашёлар ажратилсин. Шунингдек, Каспий денгизи қирғоғида ҳарбий қалъа қуриш учун жўнатиладиган аскарларга тегишли озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни олиб боришга кемалар берилсин.

3. Савдогарлар ниқобида Сирдарё бўйлаб олтин қидириш учун Ёркентга ва Амударё бўйлаб Ҳиндистонга борувчи кишиларга маблағ ажратилсин. Улар шу даражада кўп ва яхши моллар билан таъминланларки, у жойларда ҳеч қандай шубҳа уйғотмасин.

4. Агар Хива хони 500 кишилик гвардияни сўраб қолса, у вақтда уларни бир йил муддат билан таъминлашга етарли маош ажратилсин.

5. Хива, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдорларига давлат ёрлиқлари тайёрлансин.

6. 24 тўпчи, 2 инженер, 3 шифокор ва кўп миқдорда дори-дармон берилсин.

(Россия федерацияси Марказий Давлат ҳарбий-тарихий архиви, ҳарбий-илмий фонд, 35 иш, 57-61 саҳифалар).

Капитан-поручик Бекович-Черкасский томонидан қурилган қалъалар Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан бўладиган алоқаларида таянч нуқта бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Муҳим мудофаа аҳамиятга эга бўлган Красноводск қалъасини қургач, Аштархонга қайтган Бекович-Черкасский бу ерга келган бухоролик элчи Хонқули тўпчибоши билан учрашди ва бу ҳақда Пётр I га ахборот юборди.

Пётрни бу хабар жуда қизиқтириб қолди. Унинг фармони билан Бухоро элчисига одатдан ташқари, алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Пётр I элчини шахсан ўзи қабул қилишини билдириб, уни ва ҳамроҳларини юксак даражада кутиб олиш борасида гамхўрлик кўрсатишни буюрди.

Бухоро хони Сайид Абулфайз Муҳаммад Баҳодирхон-нинг элчиси Соритов (Саратов) орқали Москвага жўнатилди. Москвада эса давлат канцлери Г.Головкин ва махфий маслаҳатчи барон П.Шафиров буйруғига кўра унга подшонинг тажрибали тилмочи, кейинчалик рус армиясининг генерал-майори бўлган Муртазо Таваккалов бириктирилди. Элчилик маҳкамаси таржимони Сулаймон Айдаров эса унга ёрдамчи бўлди.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори

(Давоми бор)

«ЮРТ БЎЙНИДАГИ ҚИЛИЧ»

Минг икки юз саксонида ўрис келгай, Туркистонни атрофини қамсаб олгай.
А.ЯССАВИЙ

Яқинда ''Адолат'' нашриёти томонидан чоп этилган ''Юрт бўйнидаги қилич ёки истило'' номли илмий-публицистик асар филолог-тарихчи олим ва ёзувчи Мажид Ҳасаний қаламига мансуб. Изланувчан, тадқиқотчи олим ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари орасида биринчилардан бўлиб тоталитар тузум даврида чор Россиясининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаларини ҳарбий куч билан босиб олиш масалаларини ўртага ташлаган эди. Олимнинг 1989 йилда республика матбуотида эълон қилинган ''Ўрта Осиё босиб олинганми?!'' мунозарали мақоласи собиқ иттифоқ миқёсида катта шов-шувларга сабаб бўлганди.

Истиқлолнинг ҳар йилини янги бир асар билан кутиб олаётган сермаҳсул ижодкор ва тадқиқотчи олим Мажид ҲАСАНИЙ билан янги китоби хусусида суҳбатлашдик.

-- Ҳурматли домла, биз сизни энг аввало, журналист, адабиётшунос олим сифатида яхши биламиз. Лекин кейинги чорак аср давомида сиз тарихчи олим сифатида ҳам элга танилдингиз.

-- Адабиётшунос олим аввламбор, тарихни, тарихий жараённи яхши билиши керак. Зотан, ўтмишда тарих билан адабиёт қўл ушлашиб юрган. Менинг тарих соҳасида тадқиқот ишлари олиб боришимга ўзимнинг тарих фанига бўлган қизиқишим, аждоллар тарихини яхшироқ билиш, айниқса, кейинги 150 йил ичида Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиш тарихини ўрганишга бўлган қизиқишим сабабчи.

-- Адашмасам, сиз биринчилардан бўлиб тоталитар шўро тузуми даврида Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинганлиги масаласини ўртага ташладингиз. Ўрис босқини тўғрисида дастлабки ёзилган мақолаларингиз ҳақида муштарийларга гапириб берсангиз.

-- Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олганлиги тўғрисида 70- йилларнинг охири, 80-йиллар бошида бир туркум мақолалар ёзиб, ''Шарқ юлдузи'' журналига, ''Ўзбекистон адабиёти ва санъати'', ''Ёш ленинчи'' (ҳозирги ''Туркистон'') рўзномаларига топширгандим. Бироқ, у мақолалар чоп этилмай, йиллар давомида таҳририят тортмаларида қолиб кетди.

Ниҳоят, ҳали ёвузлик салтанати -- СССР даврида ''Ўрта Осиё босиб олинганми?!'' номли мақолам республика ёшлари рўзномаси ''Ленин учқуни'' (ҳозирги ''Тонг юлдузи'', 1989 йил, 5 сентябрь)да эълон қилинди.

Биринчи қадамнинг қўйилиши ҳамиша ҳам оғир кечиши ўзингизга маълум. Мени, ҳар ҳолда бу қалтис мақола учун сийлашмади. Аксинча, зудлик билан КПССнинг органи ҳисобланмиш ''Правда'' газетаси (1989 йил 14 сентябрь) ''Ёшлар юрагига'' деган танқидий мақола билан чиқди. Унда тарихчи олим Мажид Ҳасаний бу мақоласи билан гўё ёшлар юрагини заҳарлаган эмиш. ''Правда''нинг таъкидлашича, Россиянинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкасини босиб олиш ҳақиқатини мактаб ёшларига тарғиб этмаслик керак эмиш. ''Правда''да босилган мазкур мақола ''Ёш ленинчи'' газетасининг 1989 йил 16 сентябрь сонида таржима қилиб босилди. Мақола атрофида матбуотда анча гап-сўз бўлиб, турли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Матбуотда эълон қилинган танқидий фикр-мулоҳазалардан кейин ҳам бу мавзуни давом эттириб, бирин-кетин мақолалар эълон қилдим. ''Туркистон босқини'', ''Тарих ошкоралик нигоҳида'', ''Юрт бўйнидаги қилич'', ''Истило'' номли қатор китоб ва рисолаларни чоп эттиришга муваффақ бўлдим. Уларнинг бари ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинди.

-- Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб ёзган "Юрт бўйнидаги қилич ёки истило'' номли ҳужжатларга бой янги китобингизни ўқувчилар чанқоқлик билан ўқимоқдалар.

Тўғриси, биз неча ўн йиллар давомида ўтмиш тарихимизни бунчалик рўйи рост, ошкор ёритишга бағишланган китоб ёки рисола ўқимаган эдик. Ниҳоят, китобхон орзу қилган асар ёруғ дунё юзини кўрди. Бу ютуқ билан сизни муштарийлар номидан табриклаймиз.

-- Қаранг, Қозон, Астрахан, Қрим хонликларини енгиб, Волгабўйи татар, бошқирд халқларини қиличдан ўтказган подшо Иван Грозний мусулмонларни ҳам христианлаштириш сиёсатини олиб боришга ҳаракат қилди. У Қозон шаҳрини ҳарбий ҳийла (Волга дарёси бўйидан шаҳаргача ер остидан йўл қаздириб, таслим бўлмаган Қозон аҳолисини қирғин) билан забт этган эди. Волгабўйи татарларининг бир қисмини Волга дарёсига чўмилтириб, христиан динига бўйсундирганди. Иван Грозний даврида татарларга Санкт-Петербург, Москва шаҳарларида савдо қилиш ва яшаш ман этилган эди. Фақатгина Екатерина подшолик қилган даврдагина ислом динига муносабат бироз ўзгарган эди.

-- Тарихчи олимларимиз Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниш саналарини 130 ёки 150 йил, баъзан эса 125 йил аввал бўлган деб ёзмоқдалар. Шахсан сиз бу ҳар хилликка қандай қарайсиз?

Истило

-- Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишини уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи ҳужум подшо Пётр I замонида 1715-1717 йилларда бошланган.

Россиянинг Ўрта Осиёга иккинчи ҳарбий юриши император Николай I подшолиги (1833-1855) ва император Александр II подшолиги (1856-1881) даврида содир бўлади. Ана шу даврларда фақат Қозоғистон ҳудудида Россиянинг 103 га яқин ҳарбий қалъалари, ҳарбий-таянч пунктлари қурилади. 1833 йили Ново-Александровск қалъаси бунёд этилади. 1839 йилдан бошлаб полковник Горский Сибирь сафарбар қўшинлари, граф Перовский бошлиқ ҳарбий отряд Хивани олишга отландилар. Лекин уларнинг бу уринишлари ҳам мағлубият билан якун топди. Чор Россиясининг Туркистонга шиддатли ҳарбий юриши 1850-1864 йилларда содир бўлди.

Россиянинг Марказий Осиёга ҳал қилувчи -- учинчи ҳарбий юриши 1865-1881 йилларга тўғри келади. Ўрта Осиёнинг марказ шаҳри ҳисобланмиш Тошкент шаҳри 1865 йилнинг 15-17 июнида босқинчи генерал Черняев томонидан босиб олинди. 1867 йил 14 июлда олий Фармон билан Туркистон ҳарбий округи ташкил этилиб, унга ҳарбий муҳандис, генерал фон Кауфман генерал- губернатор этиб тайинланди.

Ўрта Осиёни босиб олишда Георгий ордени соҳиблигига эга бўлганлар, олтин қурол билан мукофотланган генераллар, штаб ва обер зобитларининг сони бир неча юзни ташкил этган эди. Босқинчилар сафида машҳур ўрис ёзувчи ва рассомлари: В.Верешчагин, К.Каразин ва бошқалар ҳам қўлда қурол билан келганлар. Ҳатто Георгий нишони тасмаларига тақиладиган хоч-нишон олган христиан динининг поплари — руҳоний ота Андрей Малов, руҳоний ота Гаврил Шеряев ва руҳоний ота-поп Седачаев кабилар ҳам Туркистонни босиб олишда бир қўлида қилич бир қўлида бут билан юриш қилгандилар.

Бу ва бунга ўхшаш ўнлаб мисоллар ''Юрт бўйнидаги қилич ёки истило'' китобида кўплаб келтирилган. Яхшиси китобни топиб ўқиганга нима етсин.

Суҳбатдош
Темир ҚУРБОН



Замонавий иморатларда ҳам миллий меъморчилик акс этмоқда

ТАРИХ УНУТИЛМАЙДИ

Руслар бу ерларга (Ўрта Осиёга) бир-икки кунга эмас, абадулабад келган. Энди орқага қайтиш йўқ!

В.Перовский, Оренбург генерал-губернатори.

Дорга осилган одамлар типирчилаб турганларида расмларини чизганман. Бир муллаваччани минорадан улоқтириб юбордим.

В. Верешчагин, Туркистон босқинида қатнашган рус рассоми ва зобити.

Биз энг аввало Ёйиқ дарёси орқасидан кўчиб келган казаклар (қозоқлар)ни муқимлаштиришимиз ва қорақирғизлар (қирғизлар)нинг турли элатларини ўзимиз томонга оғдириб, сўнгра уларда қўқонликларга қарши душманлик ҳислари уйғонишини қўллаб-қувватлаб туришимиз керак.

Г.Госфару, Сибирь корпуси қўмондони (1885 йил 12 октябрда император Александр II га йўллаган расмий таклифларидан)

Қўзғолончилар (Дукчи Эшон бошлиқ 1898 йилдаги қўзғолон) бизнинг уйқуда ётган 22 солдатимизни ўлдирганликлари учун бунинг ҳунига исёнчилардан 22000 кишига ўлим жазоси берилиб, 300 киши Сибирь сургунига ҳукм этилди. Қўзғолончилар раҳбари Дукчи Эшон яшаган жой -- Мингтепа теп-текис қилиниб, у ерга 200 оилани рус қишлоғи қурилди.

С .М. Духовский, Туркистон генерал-губернатори (Император Николай II га юборган ахборотномасидан)

Бир минг сарт бир рус солдати этигининг пошнасига арзимайди.

Иванов, Фарғона генерал-губернатори.

Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириши мумкин бўлибгина қолмай, балки шундай қилишга мажбурдир.

Россия империяси ҳарбий вазирлигининг 1906 йил март ойида граф Вите жаноблари номига йўллаган мактубидан.

Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи адойи тамом бўлади...

М.Д. Скобелев, Фарғона генерал-губернатори.

Тарихий обидалар, асориатиқалар қанчалик тез вайрон бўлса, Россия давлатчилиги учун шунча яхши.

А.В. Самсонов, Туркистон генерал-губернатори.

Россиядаги мусулмон халқларга бирорта ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ берилмаслиги керак.

П.Ильинский, Россия маорифи намояндаси.

Бу халққа (ўрта осиёликлар -- туркистонликларга) иложи борича, мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, ҳоҳиши қолмасин...

Фон Кауфман, Туркистон генерал-губернатори.

1898 йилнинг ёзида генерал К.П. Кауфман буйруғи билан Самарқанд шаҳри тўпга тутилди. Зобитлар қуршовида зафар ўриндиғига ястаниб олган олийжаноб Константин Петрович (Кауфман) тўхтовсиз папирос тутатар ва бутунлай шафқатсиз оҳангда:

''Отиб ташлансин! Отиб ташлансин! Отиб ташлансин!'', деган гапини такрорларди, холос.

В.Верешчагин, рассом.

М.Черняев ашаддий шовинист эди. Унинг назарида: Қўқон хонлигида яшаган ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқа халқлар фақат тўн (чопон) кийганликлари учунгина қириб ташлашга лойиқдирлар.

З.А. Кастельская, рус ҳарбий тарихчиси.

1916 йилги Жиззах қўзғолонида қатнашган ''жиноятчилар''ни қидириб топгандан кўра, уларнинг уйларига ёппасига ўт қўймоқ маъқул.

Н.М. Росс, уезд ҳокими.

Скобелев Ионовни зуғумга олгач, у қўл остидаги солдатларни ҳужумга бошлаб, эмизикли болаларни ҳам чопиб ташлади.

В. Наливкин, рус зобити.

Асад ДИЛМУРОД

Оқ аждар сайёраси

Ёзувчи А.Дилмурод мухлисларга жуда яхши таниш. Ёзувчининг "Тош бургут", "Сирли зина", "Шердор", "Мулк" каби қиссалари, "Маҳмуд Ҳаробий" тарихий романи, "Кўчки", "Афросиёб сукунати", "Осмоннинг бир парчаси" сингари китоблари аллақачон ўз ўқувчиларини топган.

Таниқли ёзувчи Асад Дилмурод ўзининг янги асари "Оқ аждар сайёраси" номли фантастик қиссасини ёзиб тугатди. Қуйида ушбу асардан парчалар эълон қилинмоқда.

Худо ҳақи, ақл бовар қилмайди, илгари бунақаларни сира учратмаганмиз, уларда биргина одат кўпроқ намоён: нолиш, ёзғириш, норозилик...

Энди, эрталаб уйғонгач, иссиққина тўшак ичида мудраб, эринчоқлик қилиб ётмайман, аксинча, тезгина ирғиб тураман, ўпкамни қўлтиқлаганча марказ сари югураман. Эшик тагидаги тиқин навбатни, ранг-рўйи сомондек сарғайган сон-саноқсиз мижоз интиқланиб, бир-бирига ола-ола қараб, аламга тўлиб, нажот истаб кутаётганини ўйлаб баттар шошаман. Нафасим бўғзимга тиқилиб қолади.

Мен ҳаммасига, энг машаққатли синовга ҳам тайёр эдим, ажабки, умр бўйи иситма нималигини билган-билмаган ёки ҳар лаҳзаси талваса ичра кечадиган бандаи ожизлар билан ўзимни бир қайиққа тушгандек ҳис этардим. Дардимни шерикларимга тушунтиролмай ҳалак эдим, ўзим билан ўзим қолган кезларимда кўп нарса ойдинлашади, аниқроғи, гўё ёлғизликда мен дунё сир-синоати тагига етардим, ҳар лаҳзада бобом арвоҳи билан қовушишга мойил руҳим билан якаммаякка жанг қилардим: енгардим, енгилардим. Қизиғи, енгиш ҳам, енгилиш ҳам завқли, ҳар иккала ҳолда ҳам кўнгилни ғуборлар тарк этарди. Сокин бир фурсатдан кўнгил ҳурлик оламига кирарди, уни ҳеч бир куч бошқармасди. У ўзини ўзи бошқарар, у тенглик нашидасинигина тан олар, фалакиёт қудратини зуҳур этувчи сайёралар ва ўлчамлар сари барқарор маслаклар ила талпинарди.

Аттангки, ҳозирча масофалар замирида яширин мувозанат билан келишолмасдим, шу боис, бир-бири билан келишган, юлдузларга хос салтанатларни туташтирган фазовий йўлларда тез-тез адашиб кетардим. Ҳали қувватларимни маромига етказиб тоблашга улгурмагандим. Таним ерда қолиб, руҳим осмону фалакка учган кезларда айрилиқ аламини туярдим, азоб чекардим. Гап шундаки, комил зотларда, руҳ ўз либосини ечиб, ҳурликка эришганда, уқубат эмас, роҳат намоён бўлади. Ҳали роҳат мендан йироқда... Жоним қийналишда... Шунга қарамай, ўжарлик билан ўзимни сафарга йўллардим. Борлиғимни беҳудуд азоб чулғаса-да, қанот боғлаб учаверардим. Ва, уча-уча, балки минг, балки милён сайёрани айланиб ўтиб, сиз билган, сиз эндигина била бошлаган мискин остонага келиб қўнардим.

Оҳ, тинимсиз қўнишлар... Кейин армонли энтикишлар... Алдовлар пайдарпай тош бўла-сола юракка урилиши... Сўнг, тилак-хоҳиш оловига сув каби сепиладиган жимлик... Жимликнинг ҳаёлга кириши, шуурни астагина забт этиши... Бирдан умидлар қайта уйғониши... Худди шу лаҳзада Сомон йўли сарҳадлари томон учгим келади, аммо, руҳимда жонланиш рўй берган маҳалда, ҳаворанг эшик, нимадандир огоҳ этгандек, оҳиста зорланиб очилди. Ногоҳ, кимдир қулоғим тагида эндигина бўйга етган қиз бола товушига ўхшаш ёқимли товуш ила, эркаловчи оҳангда, майин-майин шивирлади. Тахтадек қотдим. Нима бу, тушми? Йўқ, бари ўнгимда рўй бераётганди. Энди хона ночорлиги ҳам сезилмай қолди, деворлар жозибали тус олиб, ойнадек товланди. Ҳайратим ортди ва ... ногоҳ, қуюқ шуъла ичра жодуваш чақнаётган жуфт кўзни кўриб қолдим. Ажаб, бул қароқлар бемор эмасди, аксинча, учраган ҳар жонни бемор қилишга қодир эди. Улар фақат порларди, дунёга ёндириш. ҳайратга солиш учун келганди, истаса, курраи арзни зимзиё пардалардан оппа-осон фориғ қила оларди. Ҳамма гап шуни исташида, аммо, боқишидан улар беҳад маккорга ўхшайди. Балки, уларнинг жозибаси ва қудрати шу ҳолатидадир...

Мен кимман? Нега у мени йўқлаб келди? Бемор десам... Ёлғон, бари ёлғон! Яна айтаман, қарашидаги ногоҳоний афсун бошқаларни бемор қилишга қодир, балки, мени шундай қаро қисматга маҳкум этиш ниятидадир. Нима бўлса ҳам муддаосига етишди, бир зарб билан мен шўрликни азалий заминимдан ниҳол янглиғ юлиб олди. Кейин... беғараз, ҳа, ширингина беғараз кулги ҳадя этди. Бари бир зумда рўй берди, жоним унинг изидан ному нишонсиз кетди, хонада шалвираган таним қолди. Руҳсиз тан нима? Чўққидан улоқтирилган, қояларга урилиб парча-парча бўлиб кетган ҳимоясиз ёғоч-да!..

Юрагим ажиб армонга йўғрилди, недир ҳис борлиғимни сим-сим куйдирар, бир дардимни ўн қилган эди. Чорночор бу ҳолни яхшиликка йўйдим ва зўр бериб ўзимни овунтира бошладим. Ахир, ҳартугул эшик сари жилганда умидбахш табассумни дариғ тутмадику! Бу табассуми ҳорғин дилимга эмас, таназзул сари юз тутаётган чархга ҳам мадор бўлар! Чамаси, чекимга яна бир ғалва тушди, энди уни қидиришим ва топишим керак. Хонамга ногоҳ келиб, ногоҳ ғойиб бўлган санам дийдорига етишмакдан ортиқ бахт кўзимга кўринмай қолди. Фақат. э, дариғ, буёғи намунча мужмал? Мановилар намунча ғалвага кўмишди? Ақалли тўйиб-тўйиб нафас олишга ҳам қўйишмайди-я? Нима бало, бирон жойда бетобу бенаволар уяси бузилдими?

Назаримда, илгари ҳамма соппа-соғ эди, бу кунда барча, етти яшардан етмиш яшаргача хаста, Аллоҳ мурувват қилармикан ва уларни кўз илғамас сиртмоқлардан қутқариб қолиш имкони топилармикин?

Жумбоқ кўп... Бири кетидан иккинчиси чиқади: ҳар лаҳзада жонингни халқумингга келтириб болалайди. Курам арз бўғзига ёпишаётган бало-қазони даф этиш устида, фаҳми ожизимча, якка маховдай бўлиб фақат ўзим бош қотирардим. Тан олай: соддаликдан фарқ қилмайдиган фидойилигим дилимнинг нозик торларига битмас-туганмас ҳузур бағишларди. О, ҳузур!.. не ажаб, унга ҳар ким ҳар хил йўл билан эришади. Масалан, муовиним Қамар Жонтойни олайлик. Шунақа тўпорики! Шўр, аччиқ нарсалардан етти тош нарига тирақайлаб қочади. Агар қишинёзин анҳорнинг муздек сувида чўмилмаса ҳаловатини йўқотади. Кўпинча илиқ-иссиқда, тонг-саҳарда, жимжит қирғоққа келади, шошилмай ечинади, салқинда бир пас ором олиб ётади, сўнг, отилиб туриб кулранг тўлқинларга калла ташлайди. Тавба, шунақа қилмаса иши юришмасмиш, ҳатто касал бўлиб қолармиш...

Қамар Жонтой тўпорилигини эслатдим, лекин, у бу айбни билмас, ақл нарвони билан энг баланд юлдузга кўтарилгандек, менинг айрим ҳаракатларим устидан мириқиб куларди. "Ҳей, баччағар, бас қил!" — дея, лалми дўқ урардим, сўнг, бўш келмай, уни гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона масхаралардим. Вақт ўтиши билан у ўзини анча тутиб олди, тутган жойини шартта кесадиган азаматга айланди. Энди мен уни астойдил ҳурмат қилардим, у ҳам менга аввалгидай паст-баланд муомала қилмасди. Кўпинча фикримиз бир жойдан чиқарди, бир-биримизга суянардик. Биз баҳоли-қудрат тузган иттифоқ ҳар қандай бало-қазони даф этишга ҳозир эди, гоҳо мени юқорига чақириб қолишганда Қамар Жонтой ўрнимни билдирмасди, энг оғир масалани ҳам бемалол ҳал қиларди.

Бугун академиядан анча кеч қайтдим. Рости, устозим Камол Зафарий билан марказни жиҳозлаш, хориж ускуналари билан таъминлаш борасида узоқ тортишдим. Яна ваъда... Этак силкиб жўнадим, ўпкам тўлиб келсам, во дариғки, Қамар Жонтой мендан бешбаттар жиғи-бийрон бўлиб ўтирибди.

Йигит бечора бугун озмас-кўпмас йигирма бир инжиқ, қўпол, синчков мижоз билан жиққа-мушт тортишибди. Бари билан тил топишибди, фақат бирини на аччиқ, на ширин гапга кўндирибди. Нуқул осмондан келармиш, арзи на чўмичда турармиш, на қошиқда...

Илож қанча, кун охирида, каллам хумдек оғирлашган дамда, муросаи мадорани билмаган, ҳатто билишни истамаган ўжар мижозни лутфан қабул қилишдан ўзга чора тополмасдим. Очиғи, Фузало шаҳридан ташқарида тузуккина танилган Ҳофиз Рустам Али — "Н-Алфа" савдо-тижорат корпорацияси бошқони ташрифи яқин-орада бошланажак ғалвалар дебочаси бўлиб қолишини ҳали билмасдим. Қамар Жонтой бул зоти шариф амални жонидан ортиқ кўришни, ойма-ой машина алмаштиришни, мол-дунё билан баравар болачақасини жонидан ортиқ кўришини қулоғимга шивирлади. Муовиним сўзларига эътибор қилмадим, негаки, азиз меҳмоннинг сомон тиқилган қопни эслатадиган гавдаси эс-ҳушимни олиб қўйганди. Пишиллаб нафас олишига қараганда юрагини ёғ босган, кечалари босинқиб, ухлолмаса керак. Ҳойнаҳой шундан шикоят қилар. Ичимда маслаҳат пишита бошладим. Меҳмон эса кафтларини чаккаларига босганча узоқ сукут сақлади.

(Давоми бор)

Ҳақулобод шаҳридаги ёшлар қаҳвахонасида

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

◆ *Кимнингдир эътиборини тортиш учун осмондаги ойни ҳадя этиш зарур эмас.*

◆ *Ёлғон сўзлашга ақлнинг ҳожати йўқ, бунга дийда сал қотса кифоя.*

◆ *Эзгуликка йўғрилган кўнгилни тўғри йўлга солиш ҳам олийжанобликдир.*

◆ *Бировга яхшилик қилиш нияти бўлмаса, уриш-сўкиш билан ҳеч нимага эришиб бўлмайди.*

◆ *Фаросатсиз одамнинг бемаъни хатти-ҳаракати ҳам бежо тўюлиши мумкин.*

◆ *Дидли бўлиш учун кўп ўқиш ва уқиш зарурлигини айримлар англамай умрни зое ўтказишади.*

◆ *Дилни оғритишга асло бош қотирилмайди, аммо узр сўраш учун ҳар гал кўз ёши ҳам камлик қилади.*

◆ *Хатога йўл қўйиш оппа-осон бўлгани билан, уни бартараф этиш доимо мушкулдир.*

◆ *Кўзини лўқ қилиб ёлғон сўзлайдиганлар нигоҳга тик боқиб кечирим сўрашга ожиздир.*

◆ *Икки гапнинг бирида ҳалоллик хусусида сўзловчининг диёнати кемтик бўлса, ажабланиш керак эмас.*

◆ *Ўз фарзандидан безор шахснинг қалби кўмирга айлангани ўзигагина аён.*

◆ *Истаймизми ёки йўқми, ўғил-қизнинг бизга ёқмайдиган қилиқларидан бот-бот кўз юмишга тўғри келади.*

◆ *Гап ташувчи шахснинг сўзига ишониб, кейин совуқ терга тушганлар ўзларидан кўришсин.*

◆ *Ёнғоқнинг пучлиги ҳаммага маълум, аммо ўз зурриётининг нобоплиги ҳар вақт ҳам отаонага аён бўлавермайди.*

Ислом УСМОНОВ

Қутлов ўрнида

«ОҚСОҚОЛ»

Газета чоп этишга тайёр бўлиб, охирги тузатишлар ҳам олиниб, цехга тушиб кетгач, Жаббор ака билан узунқисқа бўлиб уйга отланамиз. (Бир томонда яшаймиз) "Оқсоқол" (биз у кишини суюб шундай атардик) одат бўйича аввал котибиятга, сўнг мусаҳҳиҳлар хонасига кирадилар. Яна саҳифаларни бир бошидан кўриб чиқадилар. Навбатчига қайта-қайта тайинлайдилар. Кейин лифтга қараб юрамиз. Лифтга чиқарда, яна ортларига қараб чақирадилар:

— Алимқул!

Котибиятдан Алимқул ўқдай отилиб чиқади — Жаббор акага қарайди.

— Сарлавҳаларга қара, расмларга қара, числога қара.

Унинг ҳам яна бир "хўп" сўзини олиб, сўнг жўнаймиз.

Ҳар куни шу. Одатга айланган.

Бир гал сафарга кетувдилар. Газетага қўл қўядиган вақтда ўша ёқдан сим қоқдилар.

— Сафарда мазза қилиб юрмайсизми, ўша ёқда ҳам гезатани ўйлайсизми? Амаллаймиз — дедим ярим ҳазил қилиб.

Оқсоқол парво қилмай, биринчи бетда "нима", иккинчида "нима" қилиб, ҳаммасини сўраб чиқдилар. Охири кўнгиллари тўлиб, хайр-маъзурга ўтувдилар дедим:

— Алимқулни чақирайми?

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради оқсоқол.

— Сарлавҳаларни, "число"ни сўрамайсизми?

Иккаламиз ҳам гурраллаб кулиб юбордик.

Жаббор Раззоқов умрининг асл қаймоқ дамларини шу газетага бағишлаган десак, бу рост. Оддий мусаҳҳиҳликдан Бош муҳаррирликкача бўлган газетчиликнинг барча поғоналарини босиб ўтган. Шунинг учун ҳам бу сермашаққат касбнинг пасту баландини яхши билади. Шуни ҳам айтиш керак, оқсоқолнинг энг завқли машғулоти макет чизиш эди. Лекин макет меъёрига етгунча ҳаммани қон қилиб юборарди. Чидолмай ҳазил аралаш дердим:

— Бош муҳаррир бўлсангиз, кириб ўтирингда муҳаррирлик курсингизда. Макетни макетчи чизсин. Мана Рихсиев ўтирибди жингалак сочини силаб.

Эртасига газетани кўриб "у ўйнаб" чиққанини сезгач, оқсоқолнинг инжиқликларига тан бердик ичимизда.

Жаббор ака ўша кезларда газетачиликда ўзига хос янги йўл, услуб, мактаб яратганди. Бу гапни унга эътироз қилмоқчилар, бир эсласин. "Туркистон" ("Ёш ленинчи") қўлма-қўл бўлиб ўқиларди. Газетани дўконларда тополмаганлар таҳририятга келишарди. Ҳатто тахламларимизда газета қолмасди.

Жаббор акани газетачи сифатидаги ютуғи у, аввало, самимий инсон эди. Қолаверса, бағри кенг эди. Раҳбарда шу хислатлар бўлса газетачиликда ярим марра дегани. Касбимизда бир одат бор. Баъзан у қусурга ўхшаб кетади. Муҳаррирнинг иши мақолани қисқартириш эмас, ўрни келса ўзидан қўшиш ҳамдир. Айримлар мухбирнинг, муовиннинг, "ташқи автор"нинг мақоласини бўлса-бўлмаса қисқартирмаса, гўё ўшанинг олдида обрўси тушиб қоладигандай иш тутади. Худа-беҳуда бўяйди, энг керакли жойини қисқартириб ташлайди. Бизнинг оқсоқол эса ундай эмасди. Агар мақола зўр бўлса, бирор жойига ҳам қалам теккизмасди. "Яхши, яхши" дерди-да, "номер"га қўйдириб юборарди. Бу эса ижодий иш учун, янги мақолалар учун энг зарур омил эди. Мен юқорида газетани қўлма-қўл ўқиларди, дедим. Лекин уни қўлма-қўл ўқиш даражасига етказиш осон иш эмасди. Азоблар, асаблар эвазига эришиларди бунга. Энг ёмони одамлар қўлмақ ўл қилиб ўқиган мақолалар учун оқсоқол ўша даврларда неча бор собиқ партия Марказқўмида, ҳатто унинг "бюро"сида жавоб беришига тўғри келган. Тушунтириш хатлари, огоҳлантиришлар. Қолганини "комсомол"дан олардилар. Қайтиб келгач, "заҳарларини бировга сочволардиларда" бир пас хонада "кўмилиб" ўтирардилар. Сўнг каридорга чиқардилар. Биз тўпланиб ўзимизча вазиятни шарҳлаб турганлар — жим бўлиб қоламиз. Қурбон кўзойнаги остидан биринчи бўлиб "обҳавони" билади. "Ҳаммаси жойида", дейди секин. Сўнг Жаббор ака нима демоқчилигини сезиб, чўзиқ овоз билан қичқирарди:

— Алимқул, макетни опке!

Ҳамма гур этиб кулади. Шу билан ҳаммаси унутилади. Яна иш, ижод, тортишиш, баҳслашиш. Эртасига газета янада "зўрроқ" бўлиб чиқади.

Биз мана шундай ишлардик.

Аҳрор АҲМЕДОВ

Тозий зарварақларидан

Ўтмишимиз саҳифаларини варақласак, уларда биз бехабар қолган не асрорлар яширинлигига гувоҳ бўламиз. Сарғайган муқаддас саҳифалардан қадим дурдоналаримизни тера билмоғимиз билан аждодлар руҳини шод этмоғимиз эртанги саодатимиздир.

Самарқанд вилояти Янгиқўрғон қишлоғида шоир бобомиз Эшони Воланинг риёзиёт, адабиёт ва тиббиёт соҳасига оид қўлёзма китоблари топилган ва ўрганилмоқда.

"Бобом Эшони Вола тахминан 1786-1799 йилларда Бухоро амирлигига қарашли Каттақўрғон вилоятида Қози Мириноятулло хўжа оиласида дунёга келган. У кишининг кўзлари туғма ожиз бўлса-да фавқулодда кучли ақл, хотира, қобилият ва ёқимли овоз эгаси бўлган. Шоир ўзбек ва тожик тилида иккита девон тузган, лекин улар ҳозиргача топилмаган", -- дейди Эшони Воланинг невараси Идрисхон Ҳаким ўғли.

Қуйида эътиборингизга шоир бобомизнинг ижод намуналаридан ҳавола этмоқдамиз.

БОЗУРГОНИЙ ФАЗЛИГА МУХАММАС

Вола сўзи

Менга кўргузиб неча қатлакима
жонингдан
Юзда холу зулфи дутоларинг.
Ёшириб неча мени хастадин
бўйингдана
Надур эй пари бу иболаринг.
Мени дарди ҳажр ила зор этиб,
айланаман
этиб ўзгаларга даъволаринг.
Қила бошладинг манга зулмким, вой,
вой
Ситам этди жавру жафоларинг.
Ки вафога ваъдалар айлабон айланаман
Қани ваъдаларга вафоларинг.

Агар ой чарағини ҳар киши
Деса оразингнинг мисолидин,
Яқин англагил-ки йўқ огаҳ ул,
ўргиламан
Неча хўбизишта маъолидан.
Менга яхшироқ кўринур вале, вой, вой,
Ғаминг ўзгаларнинг висолидан
Аламим юзинг хату холидан, айланаман
Кўзи-қошу нуқтаи долидан.
Сенга ишқнинг туҳматин айлабон,
ўргиламан
Мени чақди юзи қароларинг.
Нега қилмадинг ситамингни кам,
Билибон ғамингнинг зиёдини,
Мени рашк ўти ила куйдуруб,
Бериб ўзгаларнинг муродин,
Карам этмадинг не учун кўриб, вой, вой,
Бу бузуқ кўнгилнинг саводини.
Буки ҳусни мулкининг шоҳисан, айланаман
Эшит ошиқ аҳлининг додини,
Ки фироқ сийнаси чокидан, айланаман
Сенга арз этар фуқароларинг.

Мени матлабим сени мақсадинг
На ки бўлса, эй мутия нуктадон,
Мени кўнглиму сенинг фикратинга
жонингдан
Садафи гуҳар каби қил гумон.
Сени ёдингу мени хотирим, вой-вой,
Деди Вола ул гулия гулистон.
Дилу жону Фазлига нотавон, айланаман.
Сенга мунтазир кўзи нигорон.
Ҳаммадан кўнгилда муҳаббатинг,
айланаман,
Туну кун тилимда дуоларинг.

Ҳамид СУЛАЙМОН тайёрлади

Маънавият қирралари

УЗР СЎРАЙ ОЛАСИЗМИ...

Бу ёруғ оламда кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлгувчи нарсаларнинг бари жуда содда тузилган. Фақат тафаккур, кўнгил ва маънавий қиёфа сингари хаёлий борлиқни тушунмоқ, тушунтирмоқ жуда мушкул. Айтайлик, бировни жуда ёқтирасиз, бировга сиз ёқасиз ёки аксинча. Албатта, бу феъл-атворнинг тўғри келиши, кўнгиллар бир-бирининг тушуна олиши билан боғлиқ. Ўша ёқтирмаган кишингиз сизни мақтаб ойларга қиёсласин, барибир кўнгил кўзингиз жим. На илож, кўнгил кўнгил-да. Унга буюриб бўлармиди? Келинг, кўнгилга ҳам буюриб кўринг-чи!

... Кунлардан бир кун нима бўлди-ю, яқин кишингиз билан аччиқлашиб қолдингиз. Ўзингизни босмай, анча ножўя гапларни айтиб юбордингиз. У ҳам сизни аямади. Шундан кейин ишингизда унум йўқдай, ҳаётингизда ҳалодай руҳсизват камнинг ўтказаларни бошладингиз. У ҳам сизни кўриб кўрмаганга олади. Ваҳоланки, иккаланг жуда яқин эдингиз. Энди мағрурлик қилаяпсиз. "Мени қаерим кам ундан, ҳали қараб турсин". Кекингиз ўчга, ўчингиз нафратга айланиб боради. Худди беморга ўхшаб қоласиз.

Айтинг-чи, сиз шунда нима қиласиз? Ахир бу пўртаналаб бораётган аҳволдан қандай қутулиш мумкин? Бу жуда осон. Сиз ўша одамдан узр сўраб кўринг! Тўғри, айб унда бўлса ҳам, йўлини топиб, ҳеч бўлмаса ножўя айтган сўзингизни қайтиб олинг.

Шунда Сизнинг ҳаётингизда яна мунаввар кунлар бошланиши муқаррардир.

Муқаддас ҳадисларни мутолаа қилар экансиз, кўнглингиз гўё кенгайиб боради. "Мусулмончиликда уч кундан ортиқ аразлашиш йўқдир", "Икки уришган кишининг қай бири аввал сўзласа, унинг гуноҳи тўкилади" ёки "Аллоҳ ўзи кечиргувчи зотдир, кечирувчини яхши кўради" дейилади.

Чунки ҳадиси шарифлардаги мубоpак лутфлар ҳам таъсир этолмаган кўнгиллар қора кўнгиллардир.

Умримиз ганимат қурилган. Уни савобга тўлдириш ҳам, гуноҳга қориштириш ҳам ўз қўлимизда. Бас, шундай экан тарозунинг савоб палласи устун келиши учун забонингизни ҳам яхши сўзлар ила бойитинг. Узр сўраш Аллоҳга хуш келишини ёдимизда сақлайлик. Умрингиз осуда кечсин!

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Темир ҚУРБОН

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; иқтисодиёт бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0585.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 11.024
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —21.30
1 2 3 4 5 6